


ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ
УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!



Gazeta 2004-yil
1-yanvardan chop
etila boshlagan

23-aprel
2026-yil
16 (1 170)

21asr.uz XXlasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

АНИҚ ВА ИШОНЧЛИ ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ



Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Остона шаҳрида бўлиб
ўтаётган Минтақавий
экологик саммитда
иштирок этди ва
нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда экологик барқарорликни таъминлаш бўйича қўрилаётган тизимли чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтар экан, ўз нутқида Марказий Осиёдаги иқлим ва экология муаммоларини ҳал қилиш бўйича бир қатор аниқ ва асосланган ишончли ташаббусларни илгари сурди.

Жумладан, “Марказий Осиёнинг тоза ҳавоси” давлатлараро консорциумини таъсис этиш, технологик ўтиш жараёнларини тезлаштириш учун “Марказий Осиё яшил савдо йўлаги”ни шакллантириш, биологик хилма-хилликни сақлаш учун “Марказий Осиё Қизил китоби”ни биргаликда ишлаб чиқиш, 2027 йилда Ўзбекистонда Бутунжаҳон ёшлар иқлим форумини ўтказиш бўйича бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Ниҳоят Президентимиз нутқининг якунида ушбу тадбир иштирокчиларини шу йил Самарқандда бўлиб ўтаётган Глобал экологик фонднинг саккизинчи ассамблеяси ва Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумида қатнашишга таклиф этди.

XXI асрнинг энг глобал муаммоларидан бири экологик таҳдид эканлиги сир эмас, албатта. Инсоният тараққиётнинг авж нуқтасига етиб келган ва бугун ақл бовар қилмас ўзгаришлар, кашфиёт ва ихтиролар, иқтисодий бўҳрон сиёсий можаролар кўлами тобора кучайиб бораётган бир паллада дунё аҳлини табиатга бўлган муносабат масаласи янада хавотирга солмоқда.

Аёнки, экология билан боғлиқ масалалар ҳамisha чегара билмас характерга эга бўлгани учун ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. Жаҳон миқёсида табиат, иқлим, атроф-муҳитга нисбатан экологик таҳдид ва хавф-хатарларнинг салбий таъсири кескин ошиб бормоқда. Бу нафақат бугун, балки келажакка ҳам даҳшатли хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам БМТ томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларининг 10 таси дунё экотизими ва атроф-муҳитга алоқадор эканлиги ҳам табиатни муҳофаза қилишнинг нақадар муҳим жараёнга айланганидан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистонга амалий ташрифи дастури доирасида кеча Марказий Осиё мамлакатлари, Мўғулистон, Озарбойжон, Грузия ва Арманистон делегациялари раҳбарлари билан биргаликда Остона шаҳридаги “ЕХРО” халқаро кўргазмалар марказида ташкил этилган Минтақавий экологик саммит кўргазмасидаги миллий павильонларни ҳам бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари саммит доирасида Оролни кутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг йиғилишида ҳам қатнашди.

Ҳабибулло МАМАРАСУЛОВ
тайёрлади

Шавкат
МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон саммитнинг экологик хавф-хатарларнинг ўзаро чуқур боғлиқлиги ва уларни биргаликда ҳал қилиш зарурлигини ифода этаётган “Барқарор келажак учун умумий нигоҳ” деган бош ғоясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Бугунги учрашув ўтган йили Самарқанд иқлим форумида бошланган мулоқотнинг мантиқий давомидир. Қувонарлиси шундаки, Марказий Осиё давлатларининг экологик дипломатияси тизимли ва изчил тус олиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда.

3

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ
ОЧИҚ ВА ШАФФОФ БЎЛИШИ
УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК?



5

МИТТИ ФИЛЬМЛАРНИНГ
КАТТА ТАШВИШЛАРИ



6

Шавкат РАҲМОН:
ЖАМИЯТНИ ЭЪТИҚОДЛИЛАР
ТУЗАДИ, ЭЪТИҚОДСИЗЛАР БУЗАДИ



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

О'zLiDeP ҲАМДА “АМАНАТ” ПАРТИЯСИ “АЁЛЛАР ҚАНОТИ” ВАКИЛЛАРИ ЎРТАСИДА ОНЛАЙН-МУЛОҚОТ БЎЛИБ ЎТДИ

Мулоқотда Қозоғистоннинг “Аманат” партияси “Аёллар қаноти” ҳамраиси, Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Халқаро ишлар, муҳофаза ва хавфсизлик қўмитаси раиси А. Қўспан, “Отамакон” миллий тадбиркорлар палатаси қошидаги тадбиркор аёллар кенгаши раиси Л. Рамазанова, “Аманат” партияси “Аёллар қаноти” вакиллари, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси томонидан Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари Д. Файзиёва ва Г. Худаяровалар, шунингдек, О'zLiDeP “Аёллар қаноти” фаоллари иштирок этди. Мулоқотга икки давлат ҳудудий партия кенгашлари ҳам онлайн тарзда уланганлиги унинг амалий аҳамиятини янада оширди.



Мулоқот давомида гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар етакчилигини ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида аёллар иштирокини янада кенгайтириш борасида ўз мамлакатларининг етакчи кучлари бўлган О'zLiDeP ва “Аманат” партияларида тўпланган тажриба хусусида фикр алмашил-



ди. Икки мамлакатда бу йўналишда амалга оширилаётган ислохотлар, яратилган имкониятлар ва ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан фикрлар билдирилди. Шунингдек, тадбиркор аёлларни рағбатлантириш, улар учун замонавий электрон бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, икки

давлат тадбиркор аёллари ўртасидаги яқин ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришда партиявий имкониятларни ишга солиш масалалари муҳокама марказида бўлди. Мулоқот сўнггида томонлар бундай учрашувни мунтазам ўтказиб боришга келишиб олишди.

О'zLiDeP матбуот хизмати

БПТ ҳисобот сайлов
йиғилишлари якунланди!

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси қарорига мувофиқ жорий йилнинг 16 февралдан 16 апрелигача ўтказилган йиғилишларда 2 миллион 307 мингдан ортиқ партия аъзосини бирлаштирган жами 16 705 та БПТдан 15 781 таси раҳбарларининг ўтган йилги кўрсатган фаолияти ижобий баҳоланган бўлса, 924 та таянч нуқтага эса янги раислар сайланди.

БИЗ ВА ДУНЁ

ICAPP йиғилишида O'zLiDeP вакиллари қатнашди



Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган Осие сиёсий партиялари халқаро конференцияси (ICAPP) Аёллар қанотининг IX йиғилишида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходимлари Севара Муслимова ва Лазиза Раҳимова қатнашди.

Хабар берилганидек, 11 та давлатдан таклиф этилган 13 та етакчи сиёсий партия вакиллари қатнашган анжуманда "Глобал ўзгаришлар даврида аёллар етакчилиги" мавзусига оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, тинчликни асраш, глобал ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда иқлим ўзгаришига қарши курашда хотин-қизларнинг ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Эътиборли жиҳати, ушбу нуфузли тадбирда Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдуғон иштирок этди. У ўз

нутқида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Анжуман доирасида O'zLiDeP делегацияси бир қатор ҳамкор сиёсий партиялар раҳбарлари ва масъул ходимлари билан мулоқотда бўлди, хорижий сиёсий ташкилотлар билан самарали мулоқотлар олиб борди. Жумладан, ICAPP Доимий қўмитаси раиси ўринбосари, "Адолат ва тараққиёт" партияси раисининг ташқи алоқалар бўйича ўринбосари, Туркия

Буюк миллат мажлиси депутати З. Сиракяя, шу партиянинг туркий давлатлар билан алоқалар масалалари бўйича ўринбосари, Туркия Буюк миллат мажлиси депутати К. Зорлу, қолаверса, Озарбойжон, Қозоғистон, Россия ва бир қатор бошқа давлатлар етакчи сиёсий партиялари халқаро департаментлари раҳбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказилди.

Учрашувлар якунида аёллар етакчилигини ривожлантириш, бу борада тажриба алмашиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди. Самарали ўтган сарф партиянинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини оширишда муҳим қадам бўлди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

ВАКИЛИМИЗ

Депутат ваъда бермайди, бажаради

Авваллари эди, қишлоқ ё овул, маҳаллага депутат келди, ҳоким келди, дейишса, учрашув ва мулоқотларда расмийлик устун қўйилиб, имкони борича муаммолар кўтарилмас, олдиндан тайёрланганлар зўр бериб ҳамма ёқ тинч, кўчалар обод, одамлар рози, дея мақтов ёғдирарди. Энди эса...

Замон ўзгарди, сайловчилар ҳам кимга, нима учун овоз бергани-ю, ўша номзод ё раҳбарнинг сайланганича берган ваъдаларини қандай бажарганини обдан таҳлил қилади, муҳокамага кўяди.

– Депутат, керак бўлса, ҳар ойдас, ҳар кун ҳисобот берадиган давр ҳозир, – дейди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Дилшод Шоумаров. – Чунки ҳаётнинг ўзи шуни тақозо этапти. Масалан, ҳар гал ўзим сайланган округдаги барча маҳаллалар аҳли билан мулоқотга киришишдан аввал, дафта-

маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан кечган очик ва самимий учрашувга "маҳалла еттилиги" аъзолари, тегишли бошқарма ва идоралар вакиллари таклиф этилгани ҳам бежиз эмас. Сабаби, бажарилган ишлар ўз йўлига, лекин бажарилмай қолиб кетганларига чора излаш муҳимлигини ҳамма яхши билади.

Юзма-юз суҳбат чоғида ушбу маҳаллада амалга оширилаётган манзилли ишлар атрофлича кўриб чиқилди. Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, доимий иш ўринлари яратиш борасидаги ҳаракатлар атрофлича кўриб чиқилди.

роитларини яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларига кўмак кўрсатиш масалаларига жиддий аҳамият берилди. Кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлиги юзасидан фикр алмашилди. Айниқса, партия ташаббуси билан ўртага ташланган "Халқ билан бирга" умуммиллий дастурининг мазмун-моҳияти, одамларга нафи тегадиган жиҳатлари хусусида кенгроқ маълумот берилди.

Депутат томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар, аҳоли томонидан кўтарилган муаммоларни тизимли ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Учрашув очик мулоқот руҳида ўтиб, фуқароларнинг таклиф ва мурожаатларига имкони борича ижобий ечим топиш хусусида маслаҳатлашилди. Кейинги мулоқотгача белгилаб



римда ёзилган муаммоларни бирма-бир кўриб чиқаман. Қайси бири ўз ечимини топди, қайсиниси ҳокимлик томонидан пайсалга солинапти, сабабларини аниқлайман ва шундан кейингина учрашувга отланаман.

Учтепа туманидаги "Кўксарой"

Шунингдек, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, ичимлик суви, электр таъминоти ва ободонлаштириш ишларининг ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш ша-

олинган вазифалар ижроси бўйича назорат кучайтирилади.

O'zLiDeP Тошкент шаҳар матбуот хизмати

"ХАЛҚ БИЛАН БИРГА"

Гувоҳи бўлганимиздек, O'zLiDePнинг шу ойнинг илк ҳафтасида старт берилган "Халқ билан бирга" дастури доирасида юртимиз бўйлаб "Фаровон оила" акциясини ўтказиш режалаштирилмоқда. Табиийки, бу ташаббус навбатдаги оддий тадбирлардан эмас, балки одамлар билан юзма-юз мулоқотлар воситасида турли кўринишдаги муаммоларга имкони борича шу жойнинг ўзиде ечим топиш ва оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ҳаракатлар харитасидир.



Одилжон МАМАДАЛИЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

"ФАРОВОН ОИЛА" ОДДИЙ АКЦИЯ ЭМАС...

Шак-шубҳасиз, мазкур акция билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар учраётган камчилик ва нуқсонларни тизимли равишда ҳал этиш учун ўзига хос йўлдор. Эътиборли томони, дастурда акс эттирилган вазифалар бир марталик ёрдам билан чекланмайди. Аксинча, фуқароларнинг турмуш тарзини ўзгартириш, имкони борича доимий даромад манбаига эга бўлиши ва эртанги кунга ишончи сўнамаслиги учун пухта уйланган чоралар режасидир.

"Фаровон оила" акциясининг асосий йўналишларидан бири – бандликни таъминлаш ва даромад ошириш билан боғлиқ жараёнлардир. "Ҳар бир оила – тадбиркор" тамойили асосида оилавий бизнесни ривожлантириш, томорқадан унумли фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш ва сервис соҳаларига жалб этишга кенг йўл очилади. Амалий кўникмалар бериш орқали хонадон аъзоларининг камиде бири доимий иш билан таъминланишига эришиш кўзда тутилган. Бу эса нафақат моддий барқарорликни таъминлайди, балки инсоннинг ўз кучига ишончини оширади.

Албатта, даромад топиш қанчалик зарур бўлса, уни оқилона сарфлаш ҳам шунчалик аҳамиятли. Шу нуқтага назардан, айниқса, хотин-қизлар

ўртасида молиявий саводхонликни оширишга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Ташкил этилаётган ўқув курслари орқали бюджетни режалаштириш, тежамкорлик ва тўғри сарф-харажат қилиш кўникмалари шакллантирилади. Бу эса ортиқча қарздорликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Акция доирасида саломатлик масаласи ҳам эътибор марказида бўлади. Ҳар бир ҳудудда аёллар, болалар, кексалар ва ногиронлиги бор шахслар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилади. Аниқланган касалликлар бўйича бепул даволаш ва соғломлаштириш ишлари ташкил этилади. Бундай ғамхўрлик, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам учун катта мададдир. Чунки соғлом инсон баркамол ҳаёт асосидир.

Шунингдек, жойларда учраётган турли муаммоларни бартараф этишга ҳам эътибор кучайтирилган. Малакали мутахассислар томонидан кўрсатиладиган бепул маслаҳатлар фуқароларнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш, келгусидаги низоларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутди. Бу эса аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга замин яратади.

МУАММОЛАР ОРТИДА ЕЧИМ БОР

Муаммо кўтариш осон, лекин унга амалий ечим топиш, одамларни рози қилиш катта меҳнат ва машаққат талаб қиладиган жараён ҳисобланади. Шу маънода O'zLiDePнинг "Халқ билан бирга" умуммиллий дастури аҳоли билан давлат ўртасидаги мулоқотни янги сифат босқичига олиб чиқувчи ўзига хос муҳим ҳаётий дастуриламал вазифасини ўташи мумкин. Чунки халқимизнинг сиёсий саводхонлик даражаси, маърифий маданияти тобора ошиб бормоқда. Демак, сиёсий куч аъзолари ҳам фақат амалий ишлари билангина ўз нуфузи, ўрнини мустаҳкамлаши аён.



Ойбек ЮЛДАШЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Мазкур дастур доирасида амалга оширилаётган "Юракка йўл" акцияси аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, муаммоларни жойида ўрганиш ва манзилли ечимлар ишлаб чиқишга қаратилган умидбахш ишлар сирасига қиради.

Дастурда акс этганидек, ушбу акция доирасида партия фаоллари, депутатлар ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари томонидан мамлакатимиз бўйлаб 1 миллиондан ортиқ хонадонга кириб бориш, уйма-уй юриш орқали фуқароларнинг ҳаётий муаммоларини ўрганиш ва уларни умумлаштириш режалаштирилган. Бу жараёнда "Юракка йўл" фақат ташаббус эмас, балки "Халқ билан бирга" дастурининг амалдаги асосий ижро йўналишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Жумладан, уйма-уй юришлар орқали "Юракка йўл" механизми фаол ишга туширилса, аҳолининг ижтимоий ҳолатини ўрганиш ва манзилли ёрдамни аниқлашда "Маҳалла еттилиги" билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган "Бир оила – бир ҳомий", "Фаровон оила",

"Бир жамоада", "Фаровон ҳаёт сари" каби акциялар, ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган "Ишбилармон аёл", "Ёшларнинг стартап дастурлари", "IT ва сунъий интеллект етакчилари" ташаббуслари ҳам ушбу тизимнинг узвий давоми сифатида амалга оширилмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимоя йўналишида "Кексаларга меҳр", "Умид", "Инсон қадрни улуғланган юрт" каби акциялар орқали эҳтиёжманд қатламларга амалий ёрдам кўрсатиш тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу ташаббуслар "Халқ билан бирга" ғоясининг реал ҳаётдаги ифодасига айланмоқда.

Хуллас, мазкур ташаббуслар тизими фақат муаммоларни аниқлаш ёки ёрдам кўрсатиш билан чекланмай, балки Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат тамойилларини чуқурлаштириш, халқ билан мулоқотнинг янги маданиятини шакллантириш ва ҳар бир фуқаронинг ҳаётда ижобий ўзгаришлар қилишга қаратилган кенг қамровли ислоҳотларнинг амалий ифодасидир.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ

ОЧИҚ ВА ШАФФОФ БЎЛИШИ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШ КЕРАК?

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ТИЗИМИ БУГУНГИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ БЎГИНИ БЎЛИБ, МАМЛАКАТ МАБЛАҒЛАРИНИ ОҚИЛОНА САРФЛАШ, БОЗОРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. БУ СОҲАДАГИ ИСЛОХОТЛАР НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРАДИ, БАЛКИ ЖАМИЯТДА АДОЛАТ, ШАФФОФЛИК ВА ИШОНЧНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ. СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА МОСЛАШТИРИШ ВА РАҚАМЛАШТИРИШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА. АЙНИ ПАЙТДА ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ТИЗИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.



Ориф ШАРИПОВ,
Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази директори ўринбосари

– Маълумки, давлат харидлари – мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатида муҳим ўрин тутувчи механизмдир. У бюджет маблағларини мақсадли ва тежамкор сарфлашга хизмат қилиши билан бирга, бозор иқтисодиётида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга замин яратлади.

Давлат харидлари майдонида икки асосий томон – буюртмачилар (яъни бюджет ва корпоратив ташкилотлар) ҳамда тадбиркорлик субъектлари иштирок этади. Бу жараён тадбиркорлар учун кенг имкониятлар эшигини очади. Зеро, давлат билан ҳамкорлик қилувчи етказиб берувчи молиявий жиҳатдан барқарор контрагент сифатида шаклланади. Энг муҳими, бу муносабатларда ҳар икки тараф тенг ҳуқуқли иштирокчи ҳисобланади, яъни бирининг ҳуқуқи иккинчисидан устун эмас. Тизим самарадорлиги эса айнан шу тенглик ва ўзаро манфаатдорликка боғлиқ.

Ушбу жаҳҳа “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун асосида тартибга солинади. Қонуннинг 5-моддасида давлат харидларининг асосий принциплари белгилаб берилган. Жумладан, **касбийлик, асосланганлик, самарадорлик, очиқлик ва шаффофлик, рақобат ва ҳолислик, мутаносиблик, барқарорлик, тизим ягоналиги ҳамда коррупцияга қарши кураш** каби тамойиллар давлат харидларининг пойдеворини ташкил этади. Бу принциплар шунчаки шпор эмас, балки барча жараёнларда қатъий амал қилиниши шарт бўлган ҳуқуқий стандартдир.

Сўнгги йилларда соҳада рақамлаштириш, очиқликни таъминлаш ва рақобат муҳитини кучайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Аммо мавжуд натижаларга қарамай, айрим муаммолар ҳамон сақланиб қолмоқда. Масалан, 2025 йилда мамлакат бўйича 1,6 миллиондан ортиқ шартнома тузилиб, уларнинг умумий қиймати 108 триллион сўмдан ошган. Шундан 58 фоизи рақобатли усуллар орқали амалга оширилган бўлса, 42 фоизи рақобатсиз шаклда ўтказилган қатор саволларни ўртага ташлайди.



Маликxон ҚАЛАНДАРОВА,
Олий суд раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоиди, доцент

– Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликда ҳам, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларда ҳам “инсофли” ёки “инсофсиз” тушунчаларига аниқ таъриф берилмаган. Бироқ ушбу категориялар мазмунини аниқлашга ҳуқуқий мезонлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 104-моддасига кўра, агар шартнинг юз беришига манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршиллик кўрсатса, у ҳолда шарт юз берган деб ҳисобланади. Шунингдек, 230-моддага мувофиқ, ўз эгаллигининг қонуний эгаслигини билган ёки билиши лозим бўлган шахс инсофсиз эгалловчи сифатида эътироф этилади. Бу нормалар “инсофсизлик”нинг ҳуқуқий баҳосини шакллантирувчи асосий йўналишлардан биридир.

Қонун чиқарувчи фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузмаслик шарт билан боғлайди. Бу эса ҳуқуқни сувиестемол қилишга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги умумҳуқуқий тамойил билан мазмунан уйғун. Демак, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини амалга оширишда давлат, жамият ва бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларига пўтур етказмаслиги шарт.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг 46-моддасига мувофиқ, сунъий равишда пасайтирилган нархлар таклиф этиш, кейинчалик шартномани имзолаш ёки ижро этишдан бош тортиш тақиқланади. Бундай ҳолатлар амалда инсофсиз ижрочилар реестрига киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Амалиётда эса турли мураккаб ҳолатлар учрайди: техник носозликлар, форс-мажор ёки иқтисодий омиллар (*валюта курслари, хомашё нархи, санкциялар*) сабабли шартнома бажарилмаслиги мумкин. Шунинг учун айб ва инсофсизликни аниқлашда субъектив ва объектив омиллар уйғун баҳоланиши лозим.



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

– Халқаро тажрибага назар ташланса, давлат харидлари жаҳон ялли икки маҳсулотининг тахминан 12 фоизини ташкил этиши, ривожланган мамлакатларда эса бу кўрсаткич 15–20 фоизгача етиши унинг иқтисодиётдаги ўта юқори улушга эга эканини кўрсатади. Демак, ушбу тизимдаги ҳар қандай самарасизлик бюджет маблағларининг йўқотилиши билан чекланиб қолмасдан, бутун иқтисодий барқарорликка таъсир кўрсатадиган омил сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон шароитида давлат харидларининг ялли икки маҳсулотдаги улуши тахминан 20 фоизни ташкил этиши бу тизимнинг стратегик аҳамиятини янада оширади. Бу эса амалда ҳар беш сўмлик иқтисодий талабнинг биттаси давлат харидлари орқали шаклланишини аниқлатади. Шу боис Президент фармони билан 2030 йилгача давлат харидлари тизимини ривожлантириш бўйича қатор мақсадли кўрсаткичлар белгиланган бўлиб, улар орасида рақобатли усуллар улушини 80 фоизга етказиш, 25 триллион сўм бюджет тежамкорлигига эришиш, маҳаллий маҳсулотлар улушини 85 фоизгача ошириш, тадбиркорлик субъектлари иштирокчи икки баробар кўпайтириш ҳамда кадрлар малякасини 98 фоизга етказиш каби вазибалар алоҳида ўрин туттади.

Бироқ халқаро тажриба шуни кўрсатадики, фақат формал кўрсаткичлар билан чекланиш тизим самарадорлигини тўлиқ таъминламайди. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти давлат харидларида асосий мезон сифатида “value for money”, яъни энг яхши нарх-сифат нисбати тамойилини белгилайди. Бу ёндашувда рақобат, шаффофлик ва адолатчилик тизимнинг асосий таянч устунлари сифатида қаралади. Жаҳон банкининг B-READY методологияси эса давлат харидларини норматив-ҳуқуқий база, давлат хизматлари сифати ва амалиётдаги самарадорлик орқали баҳолайди. Аммо кўплаб мамлакатлар тажрибасидан аён бўляптики, ҳуқуқий база мукамал бўлгани билан амалиётда ижро заиф бўлиши мумкин.

Ўзбекистон давлат харидлари тизимини таҳлил қилишда институционал иқтисодиёт ёндашуви асос қилиб олинганда, тизимни уч босқичли жараён – қарор қабул қилиш, тендер ўтказиш ва контракт ижроси сифатида кўриш мумкинлиги аниқланди. 2024–2025 йиллар бўйича маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, давлат харидларининг тахминан 38–45 фоизи тўғридан-тўғри шартномалар орқали амалга оширилган. Бу эса рақобат муҳитининг чекланганлигини ва бозор механизмлари тўлиқ ишламаётганини аниқлатади.

Эмпирик таҳлиллар натижасида бир қатор тизимли муаммолар аниқланди. Энг асосийси – баҳолашда “энг паст нарх” мезонининг устуворлиги бўлиб, қисқа мuddатда бюджет тежамкорлигини таъминласа-да, узок мuddатда сифатнинг пасайиши ва инновацияларнинг чекланишига сабаб бўлади. Шу билан бирга, тендерларда иштирокчилар сонининг чекланганлиги ва тўғридан-тўғри шартномалар улушининг юқорилиги формал рақобат муҳитини юзага келтиради, яъни очиқлик мавжуд бўлса-да, реал рақобат етарли даражада шаклланимаган.

Контракт ижроси босқичидаги назоратнинг заифлиги эса яна бир жиддий муаммо сифатида намоён бўлади. Амалда тизим кўпроқ “Ким ғолиб бўлди?” деган саволга жавоб беради, аммо “Қандай натижага эришилди?” деган асосий иқтисодий савол эътибордан четда қолади. Шу билан бирга, кичик ва ўрта бизнеснинг давлат харидларидаги иштироки чеклангани бозорда йирик иштирокчиларнинг устунлигини кучайтиради. Давлат буюртмачилари ва етказиб берувчилар ўртасидаги жавобгарлик мувозанати етарли даражада шаклланимагани эса институционал ишончга салбий таъсир кўрсатади.

Қисқаси, давлат харидлари тизимидаги ислохотлар формал ўзгаришлардан институционал трансформация босқичига ўтиши зарур. Агар тизимда асосий эътибор жараёнга эмас, балки натижага қаратилса, у ҳолда давлат харидлари иқтисодиётнинг ҳақиқий ўсиш драйверига айланиши мумкин.



Қамбариддин МЕҲМУРОВ,
Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори

– Давлат хариди, аввало, мамлакат тараққиётининг ўзига хос локомотивлари деб кўриладиган тадбиркорлар қатлами учун жуда катта имкониятлар эшигини очади. У ишончли ва молиявий барқарор ҳамкор сифатида намоён бўлади. Бу жараёнда бир томондан бюджет ва корпоратив буюртмачилар, иккинчи томондан эса тадбиркорлик субъектлари иштирок этади. Улар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида тенглик ва ўзаро манфаатлар таъминланган ҳолда йўлга қўйилади.

Бу принциплар шунчаки декларация эмас, балки давлат харидларининг барча босқичларида амал қилиниши шарт бўлган муҳим ҳуқуқий меъёрлардир. Уларни ҳаётга таъбиқ этиш эса аниқ ҳуқуқий механизмлар орқали амалга оширилади. Буларга норматив-ҳуқуқий база, ваколатли органлар, электрон харидлар тизими, мониторинг ва назорат институтлари киради.

Қисқаси, ҳукумат харидларидаги принциплар фақат назарий тушунча эмас, балки аниқ механизмлар билан ишлайдиган мустаҳкам тизимдир. Уларнинг самарали ишлаши давлат маблағларидан оқилонга фойдаланиш, соғлом рақобатни шакллантириш ва коррупция хавфини камайтиришга хизмат қилади.



Ойша БОЛТАБОВА,
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Ҳазначилик хизматлари қўмитаси бош мутахассиси

– Бугунги кунда давлат харидлари соҳасида, хусусан, “энг яхши таклифни танлаш” жараёнларида талабларга тўлиқ мос бўлмаган таклифларнинг баҳоланиши, танлов мезонларига жавоб бермайдиган иштирокчиларнинг четлатилмаслиги, номувофиқ таклифларнинг қабул қилиниши, шунингдек, иш ёки хизматлар амалда бошланиб бўлганидан кейин харид эълоҳларининг жойлаштирилиши каби ҳолатлар кузатилади. Бу ҳолатлар халқаро амалиёт билан қиёслаганда, Ўзбекистонда рақамлаштириш даражаси юқори бўлса-да, қарор қабул қилиш сифати ҳануз инсон омилларига кучли боғлиқ эканини кўрсатади. Натижада айрим давлат буюртмачиларининг билим ва амалий малакаси тизим талабларига тўлиқ мос эмаслиги юзага чиқмоқда.

Шу нуқтаи назардан Ҳазначилик назоратининг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Амалдаги тартибга кўра, Ҳазначилик органлари шартномаларни асосан улар тузилгандан кейин рўйхатдан ўтказишади. Бу эса қиёсий таҳлил нуқтаи назардан қараганда, профилактик назорат эмас, балки пост-фактум назорат моделидир. Агар шартномада қонунбузилиш ҳолатлари аниқланса, уни бекор қилиш ёки қайта расмийлаштириш зарурати пайдо бўлади. Бу эса нафақат вақт йўқотилишига, балки бюджет маблағларидан фойдаланишда самарасизликка олиб келади. Халқаро амалиётда эса асқарият давлатлар олдиндан назорат (*ex-ante control*) моделини кучайтириш орқали

бундай рискларни минималлаштиришга эришмоқда.

Қиёсий жиҳатдан қаралганда, рақобатли харидлар устуворлик касб этаётган бўлса-да, тизим ҳали тўлиқ бозор тамойилларига ўтгани йўқ. Айна вақтда харидларнинг 42 фоизи рақобатсиз усуллар орқали амалга оширилгани муҳим сигнал сифатида баҳоланади. Уларнинг таркибида ягона етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар ҳамда тўғридан-тўғри харидлар сезиларли улушни ташкил этади. Бу кўрсаткич халқаро тажриба билан қиёслаганда, рақобат муҳитининг ҳали тўлиқ шаклланимагани ва бозорда айрим монопол тенденциялар сақланиб қолаётганини аниқлатади.

Шу билан бирга, амалдаги таҳлиллар давлат харидлари тизимида қонунбузилиш ҳолатларининг энг кўп инсон омилли кучли бўлган босқичларда юзага келаятганини кўрсатмоқда. Бу эса тизимда автоматлаштириш юқори даражада бўлса-да, назорат ва масъулият механизми етарли даражада мустаҳкам эмаслигини аниқлатади. Қиёсий жиҳатдан қаралганда, ривожланган давлатларда айнан олдиндан назорат ва риск-менежмент тизимлари орқали бундай хатарлар минималлаштирилган.

Шу нуқтаи назардан, давлат харидлари жараёнида қонунбузилишларнинг олдини олиш мақсадида Ҳазначилик мутахассисларини харидлар режасини шакллантириш ва эълоҳ жойлаштириш босқичларига кузатувчи сифатида жалб этиш таклиф этилади. Бу ёндашув тизимни фақат яқуний босқичда эмас, балки бошланғич босқичда ҳам назорат қилиш имконини беради. Натижада эҳтимолий хато ва камчиликлар илк босқичда аниқланади, шартномаларни бекор қилиш билан боғлиқ ортиқча вақт йўқотилиши камайдиган давлат маблағларидан самарали фойдаланиш даражаси ошади.



Бахтиёр ИСМОИЛОВ,
Олий суд судьяси

– Сўнгги йилларда давлат харидлари билан боғлиқ низолар иқтисодий судлар амалиётда кескин ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Агар рақамларга назар ташланса, 2019 йилда 1 063 та иш кўрилган бўлса, 2020 йилда 1 122 та, 2021 йилда 1 774 та, 2022 йилда 3 053 та, 2023 йилда 3 993 та, 2024 йилда 3 553 та ва 2025 йилда 3 078 та иш қайд этилган. Бу кўрсаткичлар бир неча йил ичидда ишлар сони деярли уч баробарга ошганини аниқлатади ва давлат харидлари тизими суд амалиётини энг юкломга юқори соҳалардан бирига айланганини кўрсатади. 2024 йилда кўрилган ишлардан 81,1 фоизи қаноатлантирилган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 67,1 фоизга тушиб кетган, рад этилган ишлар улуши эса 11,3 фоиздан 24,2 фоизгача ошган. Бу ҳолат низоларнинг ҳуқуқий баҳоси мураккаблашиб бораётгани ва суд амалиётини янада ёндашув шаклланиши ҳали тўлиқ барқарор эмаслигини кўрсатади. Географик жиҳатдан эса бундай ишлар асосан Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси хиссасига тўғри келмоқда, тармоқлар кесимида эса товар етказиб бериш, хизмат кўрсатиш ва пудрат ишлари билан боғлиқ низолар устунлик қилмоқда.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлат харидларида қонунчилик талабларига риоя этилмасдан тузилган шартномалар сони ортиб бормоқда. Айрим ҳолатларда харид тартиб-таомиллари четлаб ўтилиб, тўғридан-тўғри шартномалар тузилган, бироқ ишлар амалда бажарилган, товарлар етказилган ва хизматлар қабул қилинган ҳолатлар учрамоқда. Натижада тадбиркорлар бажарилиш иш ҳақини ундириш учун судга мурожаат қилишга мажбур бўлмоқда. Шу тариқа ҳуқуқий жиҳатдан қарама-қарши вазият юзага келади: бир томондан шартнома қонунга зид, иккинчи томондан эса реал иқтисодий натижа мавжуд. Бундай низолар турли тартибларда – суд буйруғи, даъво тартиби ва ҳакамлик муҳокамаси орқали кўриб чиқилмоқда. Айрим ҳолларда бюджет ташкилотлари харид қиладиганлари четлаб ўтиб тузилган шартномаларни кейинчалик ҳакамлик судлари орқали легитимлаштиришга уринаётгани ҳам кузатилади. 2019–2023 йиллар давомида иқтисодий судларда ҳакамлик қарорларини ижро этиш учун 937 та ариза кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 77 фоизи қаноатлантирилгани ҳам ушбу механизм қанчалик фаол қўлланилаётганини кўрсатади.

Бироқ амалдаги ҳуқуқий тизимда айрим зиддиятлар сақланиб қолмоқда. Бир томондан ҳакамлик суди қарорлари қайта кўриб чиқилмаслиги белгиланган бўлса, иккинчи томондан бюджет ташкилотларининг ҳакамлик битимларида иштирок этиши бўйича аниқ

ва тўлиқ чекловлар мавжуд эмас. Бу эса айрим ҳолларда давлат харидлари қондаларини четлаб ўтиб, низоларни ҳакамлик муҳокамаси орқали расмийлаштириш имконини яратмоқда. Шу билан бирга, молия ва Ҳазначилик органларининг жараёнга кеч жалб қилиниши ёки умуман иштирок этмаслиги кейинчалик суд қарорларини қайта кўриб чиқишда қийинчилик туғдириши мумкин. Фуқаролик кодексининг 114-моддасига кўра, ҳақиқий бўлмаган битим ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармаса-да, амалда бажарилган ишлар қиймати алоҳида баҳоланиши лозимлиги сабабли, қонунга зид шартнома мавжуд бўлса ҳам бажарилган иш учун тўлов масаласи ҳуқуқий жиҳатдан очиқ қолмоқда. Натижада “қонунни четлаб ўтиб ҳам натижага эришиш” амалиёти шаклланиб боради, яъни нотўғри тузилган битимлар охир-оқибат бюджет харажатида айрилиб кетиши кузатилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, давлат харидлари тизимида ислохотларнинг кейинги босқичи фақат рақамлаштириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Асосий эътибор ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, бюджет ташкилотлари ва назорат органлари масъулиятини аниқ белгилаш ҳамда суд амалиётини янада ёндашувни шакллантиришга қаратилиши зарур. Ас ҳолда, тизим қанчалик замонавийлашмасин, унинг ортида ҳуқуқий зиддиятлар ва молиявий самарасизлик сақланиб қолаверади.



Дилфуза ўРОҚОВА,
Саноат кооперацияси ва давлат харидлари агентлиги методология бўлими бош мутахассиси

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 4 февралдаги ПФ–17-сонли “Маҳаллий ишлаб чиқариш ва саноат кооперациясини янги тизим асосида ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши билан давлат харидлари соҳасида янги, замонавий ва тизимли бошқарув босқичи бошланмоқда. Шу билан бирга, ўтган даврда амалга оширилган ишларга назар ташлаш, тизим қандай асослар устида шаклланишини кўришга имкон яратлади. 2025 йил давомида соҳада норматив-ҳуқуқий база сезиларли даражада мустаҳкамланди – жами 10 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниб, шулардан 1 та Президент фармони (259), 8 та Вазирлар Маҳкамасининг қарори (67, 102, 107, 108, 159, 371, 476, 737) ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирининг 1 та буйруғи (АВ–3599) амалиётга жорий этилди. Ушбу ҳужжатлар асосида Ягона етказиб берувчилар реестрига киритиш тартиби тўғридан қайта кўриб чиқилди, давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив портал орқали аризалар қабул қилиш тизими йўлга қўйилди, шунингдек, барча аризаларни давлат харидлари порталда очик эълоҳ қилиш ва жамоатчилик муҳокамасида ўтказиш амалиёти жорий этилди. Шу билан бирга, корпоратив банк карталари орқали харидлар, электрон тизим операторлари фаолияти, модерация тизими ва коррупцияга қарши талаблар қатъий белгилаб қўйилди.

Соҳада рақамлаштириш ва шаффофликни кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди. Тендер ва танлов натижалари асосида шартномаларнинг электрон тизимда автоматик шакллантирилиши йўлга қўйилди, тўғридан-тўғри шартномаларни электрон рақамли имзо орқали расмийлаштириш амалиёти жорий этилди. Харид ҳужжатларида баҳолаш мезонларини мажбурий кўрсатиш тартиби белгиланди, шартномалар ижроси бўйича далолатнома ва ҳисоб-фактуралар электрон тизимда акс эттирила бошланди. Шунингдек, тўлов жараёнларини автоматлаштириш, маблағларнинг кенчиктирилган етказиб бериш ҳолатларида автоматик тарзда қайтариш механизми, электрон ҳисоб-фактураларга ўзгартириш киритиши фақат “Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими” орқали келиши ҳолда амалга ошириш тизими жорий этилди. Давлат харидлари бўйича “назорат” саҳифаси ва “E-huqqshunos” платформаси ҳам ишга туширилиб, ҳуқуқий экспертиза ва назорат имкониятлари кенгайтирилди. Шу билан бирга, 2026 йил 1 мартдан бошлаб сунъий интеллект асосида товар ва хизматларнинг ўртача бозор нархини ҳисоблаб берувчи электрон модул ишга туширилиши белгиланди, шунингдек, “таклиф сўрови” номли янги рақобатли харид механизми жорий этилди.

“ИНКЛЮЗИВ ЖАМИЯТ САРИ”

ЁРУҒ ВА ФАРОВОН ҲАЁТГА ИШОНЧ УЙҒОНАДИ

Бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятига назар ташласак, уларнинг марказида, энг аввало, инсон қадр, ҳуқуқ ва манфаатлари турганига ғувоҳ бўламиз. Айниқса, жамиятнинг барча қатламлари учун тенг имкониятлар яратиш, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик тамойили бугунги тараққиётимизнинг бош мезонига айланиб бораётгани қувонарли.

Ана шундай эзгу мақсадлар йўлида “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда O'zLiDePнинг “Халқ билан бирга” дастури доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган “Инклюзив жамият сари” лойиҳаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мазкур лойиҳа орқали ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ижтимоий хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган.

балки ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, жамиятга фаол қўшилишига ҳам замин яратади. Ишчи гуруҳ марказдаги шароитлар, аънавий ипак қоғоз тайёрлаш жараёни ва яратилган асарлар билан танишар экан, бу каби ташаббусларни янада қўллаб-қувватлаш зарурлигини алоҳида эътироф этди. Кейинги манзил Бухоро шаҳридаги 24-сонли “Нурли маскан” иختисослаштирилган мактаб-интернати бўлди. Бу ерда-

каби устувор вазифалар қамраб олинган. Энг муҳими, учрашувда фақат ахборот бериш билан чекланилмайди – иштирокчиларнинг фикр ва тақлифлари ҳам тингланади. Бу эса лойиҳанинг ҳақиқий “Халқ билан бирга” тамойили асосида амалга оширилаётганини кўрсатади. Ишчи гуруҳнинг кейинги манзили Бухоро давлат техника университети бўлди. Бу ерда олий таълим тизимида инклюзив муҳитни шакллантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, ногиронлиги бўлган талабалар учун қулай инфратузилма яратиш, уларни зарур техник воситалар билан таъминлаш, таълим жараёнида тенг имкониятларни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинди. Шу билан бирга, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйи-



Бу борада амалий ишлар жойларда қандай кечмоқда? Қабул қилинаётган қарорлар одамлар ҳаётида қай даражада акс этапти? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Жасур Жумаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Бухоро вилоятида ўрганишлар олиб борди. Айтиш жоизки, депутат бу масалаларни нафақат расмий, балки ҳаётий нуқтаи назардан ҳам чуқур ҳис этади. Шу боис унинг жойлардаги мулоқотлари оддий текширув эмас, балки одамлар дардига қулоқ тутиш, ечим излашга қаратилган очиқ суҳбатларга айланмоқда. Дастлабки манзил Бухоро шаҳридаги Уста Даврон Тошев миниатюра маркази бўлди. Бу жой миллий меросимизни асраб-авайлаш билан бирга, уни янги авлодга етказиётган ноёб ижод маскани сифатида машҳур. Айниқса, бу ерда 123-сонли махсус мактаб-интернат ўқувчиларининг миниатюра санъати билан шуғулланиши, бу машғулотлар уларнинг нафақат ушбу қўбилишнинг очишга хизмат қилади,

ги муҳит, таълим жараёни ва тўғарақлар фаолияти обдан кўздан кечирилди. Энг муҳими, педагоглар билан бўлиб ўтган самий мулоқотда соҳадаги ютуқлар билан бир қаторда ечимини кутаётган масалалар ҳам очиқ-ойдин муҳокама қилинди. Хусусан, ўқувчиларни келажакда мустақил ҳаётга тайёрлаш, касбга йўналтириш, ижтимоий-лашувини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Битирувчилар учун амалий кўникмалар беришга қаратилган ўқув курсларини кенгайтириш, уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича аниқ тақлифлар илгари сурилди. Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Бухоро вилоят бўлимида ўтказилган учрашув ҳам мазмунли ва амалий руҳда кечди. Унда “Инклюзив жамият сари” лойиҳасининг мақсад ва вазифалари, тутилган натижалари атрофлича тўшунтирилди. Таъкидланганидек, лойиҳа доирасида тўсиқсиз муҳит яратиш, хавфсиз ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш, иқтисодий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, таълим ва бандлик масалаларини ҳал этиш

ча амалий тақлифлар билдирилди. Зеро, инклюзив таълим – бу фақат шароит яратиш эмас, балки ҳар бир талабага ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиш имконини бериш деганидир. Бухородаги мулоқотлар бир ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади: инклюзив жамиятни барпо этиш қўғоздаги широрлар билан эмас, балки ана шундай жойлардаги амалий ишлар, очиқ мулоқотлар ва аниқ ечимлар орқали рўёбга чиқади. Энг муҳими, жараёнда одамларнинг дарди эшитилмоқда, тақлифлари инобатга олинмоқда. Бу эса уларнинг умидини мустаҳкамлайди, эртанги кунга бўлган ишончини оширади. “Халқ билан бирга” – бу шунчаки широр эмас. Бу амалдаги ҳаракат, одамлар билан елкама-елка туриб ишлаш, уларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган аниқ қадамлардир. Ана шундай ёндашув орқали юртимизда ҳақиқий инклюзив, адолатли ва инсон қадрини улуғлаган жамият барпо этилмоқда. O'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

ХОРАЗМ

Ушбу дастур доирасида Хоразм вилоятида ҳам кенг қўллаб-қувватлаш бўлиб кетди. Жумладан, O'zLiDeP



тилиги” билан ҳамжиҳатликда бажарилади. Дастур доирасида, шунингдек, 15 дан ортиқ йирик тадбир ўтказиш режалаштирилиб, 4 мингдан зиёд тадбиркор иштирок

муаммони жойида ҳал этишга эришамиз. Дастурнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у давлат органлари ва масъул тузилмалар билан ҳамкорликда

кани” хусусий шифохонаси жамоаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Айтиш жоизки, дастурда ногиронлиги бор шахсларга моддий ва тиббий ёрдам кўрсатиш назарда тутилган “Инсон қадрини улуғлаган юрт”, ёлғиз кексаларга меҳр беришга қаратилган “Кексаларга меҳр” ҳамда аҳоли ўртасида бепул тиббий куриклар ўтказиш мақсадидаги “Саломатлик сари” сингари акциялар партия фаолларини халқ хизматида бўлишга янада ундамоқда. Яқинда ушбу тиббий масканда ўтказилган мулоқотда O'zLiDeP Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим маркази раҳбари Насимжон Алимов иштирок этиб, партия ташаббуси билан ўртага ташланган мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти, халқимиз ҳаётида тугган ўр-

ХАЛҚНИНГ ДАРДИ – БИЗНИНГ ДАРДИМИЗ

Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан Хива шаҳридаги “Фаровон Хива” меҳмонхонасида дастурнинг устувор вазифалари муҳокама қилинибгина қолмасдан, балки амалга ошириш механизми белгилаб олинди. Тадбирда депутатлар, тадбиркорлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этиб, бу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва унинг жойлардаги ижросини таъминлаш чоралари ҳақида атрофлича фикрлашилди.

Таъкидланганидек, дастурнинг асосий мақсади – аҳоли дардини яқиндан эшитиш, уларнинг муаммоларини бевосита ўрганиш ва жойида ҳал этишдан иборат. Шу мақсадда маҳаллаларга чиқилиб, фуқаролар билан юзма-юз мулоқот ўрнатилди. Вилоят бўйлаб 200 мингдан ортиқ хонадонга кириб борилади ва аҳолининг ижтимоий аҳоли ўрганилиб, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш ва эҳтиёжманд оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилади. Қараб-сизки, юртдошларимизни қўллаб-қувватлашнинг янада самарали ва адолатли тизими йўлга тушади. Мобил штаблар билан эса сайёр қабуллар ўтказилади, фуқаролар мурожаатлари жойида кўриб чиқилади ва кўтарилган масалалар тезкор ҳал этилади. Дастурнинг яна бир муҳим йўналиши – маҳалла институти билан ҳамкорликни кучайтириш бўлгани боис, аксарият ишлар маҳалла-ет-

тиши, уларнинг кўмагида 200 мингдан ортиқ фуқарога ёрдам қўли чўзилиши мақсад қилинган. Лойиҳалар қаторида ижтимоий акциялар, манзилли ёрдамлар, стипендиялар, очиқ мулоқотлар, маҳорат дарслари ва тренинглар алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда энг муҳим вазифамиз – халқ дардини ўзимизники деб қабул қилишимиз ва ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдирини турганини унутмаслик-

ни хусусида атрофлича маълумот берди. Тадбирда қатнашганлар ушбу тиббийет муассасаси фаолияти билан ҳам таништирилди. Хусусан, бу шифохона сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, беморларга сифатли, малакали тиббий хизмат кўрсатиб келаётгани таъкидланди. Бу каби имкониятлар эса клиникада партия дастурларидан ўрин олган аҳоли саломатлигини муҳофаза қи-



дир, – дейди халқ депутатлари Урганч туман кенгаши депутати Шокир Худойбергенов. – “Халқ билан бирга” дастури айнан шу мақсадга хизмат қилади. Биз фақат гап билан эмас, амалий ишлар билан аҳолининг ишончини қозонишимиз керак. Уйма-уй юришлар, очиқ мулоқотлар орқали ҳар бир

БУХОРО

“Халқ билан бирга” умумий дастури айнан шу мақсадга хизмат қилади. Биз фақат гап билан эмас, амалий ишлар билан аҳолининг ишончини қозонишимиз керак. Уйма-уй юришлар, очиқ мулоқотлар орқали ҳар бир

лиш ва тиклаш билан боғлиқ лойиҳаларга тўла мос келиши ургунлади. Айнан “Халқ билан бирга” дастурида ҳам ана шундай истиқболли мақсадлар ўз аксини топгани мулоқот давомида айтиб ўтилди. Асқор ИСТАМОВ, “XXI asr” мухбири

Миллионер аёллар миллиардерга айланмоқда

Қарши туманида кейинги йилларда замонавий агротехнологияларга асосланган ёпик майдонларда маҳсулот етиштириш ишлари жадал тус олди. Аҳоли хонадонларида барпо этилаётган шундай ишхолатлар орқали экспорт ва рақобатбардор кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини узлуксиз етиштиришга эришилмоқда. Бу жараён тадбиркорлар фаолигини ошириш баробарида ёшлар ҳамда аёллар бандлигини таъминлаш, оилавий даромадларни кўпайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Айниқса, тумандаги “Тинчлик” МФЙда истиқомат қилувчи хотин-қизлар бу борада ибратли натижаларга эришмоқда. Улар Корей тажрибаси асосида резавор мева етиштиришни йўлга қўйиб, барқарор даромад манбаига эга бўлишарди. Ана шундайлардан бири уй бекаси Малоҳат Тўраева. У қисқа муддат, яъни уч йил ичида ўн сотих жойида замонавий ишоот барпо этиб, резавор маҳсулот парваришини бошлаган бўлса, ҳозирги кунда катта тадбиркор сифатида ном қозонди. 12 нафар аёлни доимий иш билан таъминлаб, ҳар кунги ўртача 200 килограмм ҳосилни бозорга чиқармоқда. Маҳсулотнинг бир килограмми 120-130 минг сўм атрофида сотилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, йиллик даромад 150-200 миллион сўмдан ошади. – Томорқачилик кенг бўлгани сабабли айрим пайтлар сўғоришда қийинчиликлар юзага келарди, – дейди Малоҳат Тўраева. – Катта иш бошладан аввал бозорда талаб юқори бўл-

ган экин турини танлаш кераклигини тушуниб етдик. Дастлаб очиқ майдонда резавор экинлар экиб, синаб кўрдик. Ёпик жойида парвариллаш эса биз учун янгилик бўлди. Дастлаб муаммолар бўлди, лекин илмий тавсияларга амал қилиш орқали сифатли ва барқарор ҳосилга эришиш мумкинлигини англадик. Бу ерда ҳароратни тўғри бошқариш, шамол айланишини таъминлаш, томчилатиб сўғориш ҳамда кўш нуридан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга экан. Томорқачилик бобида тажриба тўплаб, бу йўналишда энди ўзи устозга айланган тадбиркорнинг бугун 6 нафар шоғирди ҳам мустақил фаолият юритиб, даромад топмоқда. Етиштирилаётган маҳсулотлар маҳаллий бозорлар, савдо дўконлари ва супермаркетларга етказиб берилмоқда. Улғуржи харидорлар орқали эса хорижда ҳам чиқариляпти. Келгусида экспорт географиясини янада кенгайтириш режалаштирилган. Бу каби ташаббусларни қўллаб-қувват-



лаш мақсадида O'zLiDeP Қарши туман кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Маҳалланинг ишбилармон аёли” кўрик-танлови доирасида махсус лойиҳа амалга оширилди. Унда иштирокчиларга томорқадан самарали фойдаланиш, замонавий усуллар асосида маҳсулот етиштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

Малоҳат Тўраеванинг илғор тажрибаси атрофлича ўрганилиб, бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди. – Худудимизда 54 та маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, аксариятда шундай тадбирлар ўтказилди, – дейди партия туман кенгаши хо-

Сайфулла ИКРОМОВ, “XXI asr” мухбири

Митти фильмларнинг катта ташвишлари

Инсон бир кечаю кундузда соғлиғига зиён етмаслиги (кўз нуруни йўқотмаслик, асаб тизими шикаст топмаслиги) учун қанча дақиқа телевизор кўриши керак, деган савол (аслида муаммо) устида руҳшуносларни ҳали ойнаи жаҳон ҳаётимизга кириб келган илк кунлардан буён турли тадқиқотлар, сўровномалар ўтказиш ва шу орқали аниқ бир тўхтамаг келиш – “таянч нуқтаси”ни топишга ундаб келаётир. Аксар психологлар инсон бир кунда энг кўпи билан уч ярим-тўрт соат атрофида телевизор кўриши мумкин, деган илмий хулосага келишган. Ёш болаларда бу вақт миқдори янада қисқариши табиий. Сабаби, ўсиб бораётган мурғак вужуд ортиқча юктамаларни кўтара олмайди, қолаверса, ҳали тўла шакланмаган кўриш қобилияти босим остида қолиши мумкин ва бевақт кўрмай қолиш эҳтимоли каттароқ.

Булар тиббиёт томонидан аниқланган хулосалар. Экранда намойиш қилинаётган фильм, томоша ва бошқа турли замонавий технологияларга асосланган ўйин, топишмоқ каби кўрсатувларнинг инсон руҳиятига ножиоз таъсири эса алоҳида мавзу. Жиддий муаммо!

Энг жажжи телетомошабинга мўлжалланган мультфильмлар ўша “бошоғрик”нинг бошланғич нуқтаси.

Бир замонлар мультфильмлар ҳар оқшом маълум бир вақтда ойнаи жаҳонда намойиш қилинар, барча болажонлар уни орзиқиб кутишарди. Энг кўпи билан ўн беш дақиқа давом этадиган миттивойларга мўлжалланган кинолар асосан халқ эртаклари асосида суратга олинган, тарбиявий аҳамиятга эга сюжетлардан иборат бўларди. Энг қизиғи, ана шу фильмлар тугаши биланоқ экранда болажонларни уйқуга чорловчи мусиқали кўшиқ кўйилар ва улар асаблари ором олиб, кўрпа тагига шунгишарди.

Ҳозир-чи? Телеканаллар ёмғирдан кейин чиққан кўзиқорин мисол кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, хонадонларга “вай-фай” тизими ўрнатилгани ортидан энди кечаю кундуз мультфильм кўриши имкони пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам кўпгина оилаларда ойнаи жаҳон пулти кичкинтойлар қўлида. Телефондан мосуво этилганларнинг аксарияти ярим тунгача меза-матрасиз, одоб-ахлоқ меъёрлари (шарқона деган иборани бу ўринда қўллашга мумкин)дан мутлақо йироқ мультфильмларни кўришяпти. Такрор ва такрор. Тўғри, фақат болажонларга мўлжалланган айрим телеканаллар (“Болажон” каби) болалар руҳиятини инobatга олган ҳолда ўзимизда ишлаб чиқарилган фильмларни ва хоризж мамлакатлари иждоқорлари суратга олган маълум бир соҳа, касбга ўргатишга мўлжалланган асарларни намойиш қилишяпти. Аммо уларнинг имкони, аудиторияси анча тор эканлигини ҳам тан олиш керак. Бу ҳолатни кўпгина мульт-

фильмларни қайта-қайта намойиш қилинишидан ҳам билиш мумкин.

Шу ўринда хоризжда ишланган мультфильмлар шошма-шошарлик билан дубляж (таржима) қилинаётгани янада жиддийроқ мавзу. Ғализ ва пала-партиш жумлалар, бир-бирига ёпишмаган сўз бирикмалари ҳали нисбатан ахборотга тўлмаган болакайлар миёси хотира сандиғида ўша сўзларни бир умр сақлаб қолиши мумкинлигига масъуллар эътибор беришмаётгани афсусланарли.

“Wi-Fi” тизимига уланган телевизорларнинг алоҳида каналлари фақат мультфильм намойиш қилишга ихтисослашган. Тасвирлар чиройли, қаҳрамонлар ҳаракатчан, воқеалар баъзан кулгили, баъзан тезкор давом этиши болажонларни ўзига маҳлиё қиладик, соатлаб экрандан кўз уза олмайди улар. Қизиғи, шу тизимдаги каналларнинг аксари хоризжий тиллардаги мультфильмларни намойиш қиладди. Экрanga термулган болажоннинг диққат-эътиборини қаҳрамонлар тили эмас, хатти-ҳаракати тортади, холос. Мазмун ва моҳият деганимиз аро йўлда қолади.

Руҳшунослар кун давомида бир неча соат экранга тикилиб, мультфильм кўрадиган болаларда уйқусизлик, асабийлик, жижзакилик каби ёмон оқибатларга олиб келувчи ҳолатлар аста-секинлик билан намоеён бўлиши ва бу ўз навбатида боланинг жисмонан ва ақлдан ривожланишдан орқанда қолиши мумкинлиги ҳақида бонг ура бошлаганига анча бўлди.

Айниқса, оналар бирор рўзгор юмушини бажараётган вақтда халақит бермасин, хархаша қилмасин деб болаларни овутувчи ва чалғитувчи восита сифатида уларни экран қаршисига “мих”лаб кўйишни одат қилгани рост. Яна кўшимчасига болалари қўлига телефон ё планшет тутқазиб, айнан бирорта мультфильм намойиш қиладиган сайтни топиб ҳам беришяпти. Ўша “вай-фай” тизимига уланган телеканаллар болалар руҳига мос қандай “озуқа”ларни тақдим этмоқда?

...Экранда қаторлашганча тизилиб турган турли русумдаги энгил машиналар. Улар навбати билан турли тўсиқлар, доволанг ошиб ўтишга уринади. Пойгани энг кичкина уллов бошлаб беради. Тезкор ҳаракатланган техника бир неча сунъий тўсиқдан ўтади-ю кейингисиде ағдарилиб, паचाги чиқиб кетади. Бошқаси кўпи билан тўртинчи ёки бешинчи тўсиққа қадр боради. Баланд доволанг беталофат ўтадиганлари санокли. Автомобил тўсиқларда аварияга учраб, ағдарилиб кетган вақтда экран қаршисидеги болакай қийқириб юборади. “Тезроқ ҳайдаш керак эди!” деб танбэх беради.



Ҳўш, ана шу ўғил-қизлар эртага вояга етиб, машина рулига ўтиришини тасаввур қил-яписми?

Бу каналларда тинимсиз кўрсатиладиган кўп қисмли мультфильмлардан бири “Маша ва аийқ”. Ўрмонда аийқ билан бирга яшайдиган қизалоқнинг болаларча ҳаракат, қилиқлари, доимо ҳайвонга бирор юмушда панд беришига асосланган кулгили сюжет анча машҳур. Аммо кузатсангиз, бу мультфильмларда миллий қадриятларимиз, шарқона одоб-ахлоқ меъёрларига зид ўринлар ҳам кам эмас. Бунини, айниқса, урғочи аийқ пайдо бўлган саҳна кўринишларида кузатиш мумкин. Ушбу саҳналарни бир мартагина кўрган томошабин гап нима ҳақда кетаётганини дарров англай олади...

Ёки бўлмаса жангари сюжетли мультфильмларни олиб кўрайлик. Ҳайвонлар, аллақандай тўқима махлуқларнинг ўзаро жанги кўпинча қонли саҳналарда намоеён бўлади. Экрanga тикилганча “севган қаҳрамони” ғолиб чиқишини митти нигоҳлари билан кузатиб ўтирган болакайлар лахта-лахта қонлар тўлқини экранни қоплаганида қай аҳволга тушишлари тасаввур қилинг! Ҳатто айрим миттивой-

лар бу каби саҳналарни кўрган, кўрқиб йиғлаб юборганини сезмай қолади...

Хоризжда ишланган аксар шунга ўхшаш кўп серияли мультфильмлардаги айрим саҳналардаги “нозик ҳолатлар”ни кўришга ҳатто катталар ҳам уялида баъзида. Европалик болакайлар руҳияти, ҳаёт ва турмуш ҳақидаги тушунчалари айни шу нуқталарда бир-бирига зид келади.

Оқибатда... Ижтимоий тармоқларда боғча тарбиячиларининг айрим ҳолларда жижзаки, гап ўқмас болаларга нисбатан қаттиқ муомаласи ва ҳатто куч ишлатиш ҳолатлари акс этган лавҳалар ёйинланиб, бундан кўпчилик “эўравон, муштумзўр тарбиячи”ни жиний жавобгарликка тортиш ҳақида бир овоздан ҳукми чиқараётганига гувоҳ бўламиз. Аслида-чи? Юзага келган можаро илдизи чуқурроқ ўрганилса... айбнинг бир қисми ўша болада ҳам экани аёнлашади. Ярим тунгача экранга миҳланиб ўтирган, қаёқдаги савиясиз, ҳатто жангари мультфильмларни ухлამасдан кўрган, яна телефон титкилаб, худди шундай мазмундаги “томоша”лардан озикланган мурғак қалб тарбиячининг “Фалон ишни қил, фалон ишни қилма”

деган ўғитларига қулоқ соладими? Ширин сўз билан ниманидир уқтирмақчи бўлган тарбиячи жижзакилик қилиши ортидан иккинчи томоннинг жаҳли бир зумда бурни учига чиқиши мумкин-ку!..

Руҳшунослар мактаб ёшигача бўлган болалар кунига кўпи билан ярим соат, бошланғич синф ўқувчилари эса қирқ минут мультфильм кўришлари жоиз деб маслаҳат беради. Ундан ортиғи бола соғлиғи ва руҳан тетиклигига жиддий таъсир қилишини илмий тадқиқотлар, кузатувлар давомида исботлашган.

Мульт... аксар ҳолларда балонинг ўқидек митти фильмларни кўп томоша қилиш охири оқибат катта ташвишларга олиб келишини унутмаслик керак!

Бугун тартибга солинмаган кўпдан-кўп телеканаллар вақт ўтказиш, маданий ҳордиқ чиқариш, дунёқарашни шакллантиришга эмас, балки асабларни эгзовлаш, руҳиятни майиб қилиш, соғлиқни муштдек бошдан бой беришга хизмат қиладиганини унутмайлик!

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

АКЦИЯ

О‘zLiDeP Сурхондарё вилояти ҳамда Ангор тумани кенгаши депутатлари ташаббуси билан сиёсий кучнинг “Халқ билан бирга” дастури ижроси юзасидан “Юракка йўл” акцияси доирасида тумандаги Илғор маҳалласига қарашли бир қатор хонадонларда ўрганиш ишлари олиб борилди. Ушбу жараёнда аҳолининг турли ёшдаги вакиллари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришилиб, мазкур ҳудуддаги оғриқли муаммолар ва мавжуд имкониятлар атрофлича таҳлил қилинди.

лик суви таъминотида ҳам муаммолар юзага келаётганини билдиришди. Чунки ҳозирги кунда бу ҳудуд аҳлининг тахминан 75 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланган бўлиб, қолган қисмини қамраб олиш учун инфратузилмани янада ривожлантириш талаб этилади.

Эътиборли жиҳати, Илғор маҳалласи кейинги йилларда асосан томорқачилик йўналишида драйвер ҳудуд сифатида шакланган бўлиб, бу ерда етиштирилаётган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинаётгани алоҳида таҳсинга лойиқ. Лекин экспорт салоҳиятини янада ошириш учун инфратузилмавий шароитларни яшиллаш муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ички йўлларни асфальтлаш масаласи долзарб бўлиб, бу маҳсулотларни тез ва сифатли етказиб

“ЮРАККА ЙЎЛ” ТОПИЛЯПТИ



Маҳалла аҳлини қийнаётган асосий муаммолардан бири электр таъминоти билан боғлиқ масала бўлди. Хусусан, трансформаторлар ва электр тармоқларининг эскиргани сабабли айрим ҳовлиларда тез-тез чироқ ўчиши кузатилаётган экан. Юзма-юз мулоқотда одамлар янги трансформаторлар ўрнатиш, электр симларини янгиллаш ҳамда кўшимча таянч устунлар қўйиш зарурлигини айтишди. Бу эса нафақат оилалардаги яшаш тарзи сифатига, балки маҳалланинг иқтисодий фаоллигига ҳам бевосита таъсир кўрсатиши табиий. Шунингдек, маҳалла аҳли ичим-

бериш имкониятини кенгайтиради. Хуллас, “Юракка йўл” акцияси доирасида олиб борилган ўрганишлар маҳаллада мавжуд муаммоларни аниқлаш билан бирга, уларни ҳал этиш орқали ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мумкинлигини кўрсатди. Тегишли тақлиф ва ташаббусларни амалиётга татбиқ этиш орқали бу маҳаллада аҳоли фаровонлигини янада ошириш имконияти мавжуд.

О‘zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

“GOLD LAVASH” татиб кўрмабсиз...

Бугунги кунда тез пишадиган озиқ-овқат маҳсулотлари бозориде муносиб ўрин эгаллаган “Gold lavash” МЧЖ Самарқанд вилояти Жомбой туманида самарали фаолият юритиб келмоқда. Ушбу маскан “Уругут” эркин иқтисодий зонаси таркибига кирган бўлиб, қарийб беш минг квадрат метр ҳудудни қамраб олган. Бу ерда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган барча имконият ва энгилликлардан самарали фойдаланилмоқда.

– Фаолиятимизни 2013 йилда йўлга қўйган эдик, – дейди “Gold lavash” МЧЖ бош директори Фаррух Қосимов. – Илк босқичда маҳсулотларимиз бозор учун янгилик эди. Чунки ўша вақтларда шаҳардаги тезкор таомлар тайёрлаш билан шуғулланувчи нуқталар сифатли хамир ва булочка топишда анча қийналарди.

Дарҳақиқат, бошланғич даври синовларга бой бўлди. Ташаббускор Жамшид Содиков кам сонли жамоа билан хамирнинг қўл меҳнати орқали тайёрлар, маҳсулотларни харидорларга етказиш ҳам осон кечмасди. Техника таъқислиги, имкониятлар чеклангани каби қийинчиликларга



қарамай, сабр-тоқат ва интилиш қутилган самарани берди.

Ҳозирга келиб, мазкур жамоа ўз бренди, доимий миҳозлар ва замонавий базига эга. Кафе ва ресторoнлар, меҳмонхоналар, фаст-фуд шохобчалари ҳамда савдо дўконлари эҳтиёжи учун ундан ортиқ турдаги хамир маҳсулотлари, булочкалар ва тост нонлари тайёрланмоқда.

Дастлабки йиллари 11 нафар ходим фаолият юритган бўлса, бугун жамоа анча кенгайган. Янги бинолар барпо этилди, хоризждан келтирилган илғор технологиялар жорий қилинди. Айни пайтда 160 нафардан зиёд ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Энг муҳими, санитария ва гигиена қоидаларига қатъий амал қилинади. Ходимлар учун барча шарт-шароитлар яратилган – замонавий ювиниш хоналари, кенг ва ёруғ ошхона бунинг ёрқин мисолидир.

Корхонада маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилади. Асосий хомашё бўлган ун ва тузни етказиб берувчи субъектлар ҳужжатлари синчковлик билан ўрганилади. Фақат талабларга жавоб берадиган ҳамкорлар билангина алоқа ўрнатилади.

Реклама



Бугун мазкур бренд маҳсулотларига талаб юқори. Кунига қарийб 20 тонна ун қайта ишланиб, тайёр неъматлар замонавий транспорт орқали миҳозларга етказилмоқда. Маҳсулотлар юртимизнинг барча ҳудудларига, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасига ҳам мунтазам равишда олиб борилмақда. Қўшни Тожикистондан ҳам харидорлар келиб, маҳсулотларини олиб кетишяпти.

Яқин кунларда хоризждан олиб келинган янги усуналар ишга туширилиши кутилмоқда. Бу эса қувватни ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва экспорт географиясини кенгайтириш имконини беради.

Қисқаси, изланиш, меҳнат ва қатъият тўғрисида “Gold lavash” бугун нафақат ҳудудда, балки мамлакат миқёсида ҳам ўз ўрнига эга бўлган илғор ишлаб чиқарувчилардан бирига айланади. Унинг истиқболли эса янада порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Ҳа, айтганча, маҳсулотларга буортмалар қўйидаги телефон рақамлар орқали қабул қилинмоқда:

+99855701110, +998932979898.

Барчангизни “Gold lavash” да кутамиз. Татиб кўринг ва бугуноқ ҳамкорликни бошланг!

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” муҳбири

Хизматлар лицензияланган.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Бобур номидаги Ўш давлат академик ўзбек мусиқаи драма театрида туркий халқлар шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилгани кувонарли. Бу қўшни ва қардош икки халқ дўстлиги йилдан йилга мустақамланиб бораётганига яна бир далил бўлди.

ТУРКСОЙ, Қирғизистон ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Қирғизистон Республикаси давлат котиби, Қирғизистон халқ ёзувчиси Арслон Қойишев, ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев, Ўш шаҳар мэри Жанар Акаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, Қирғизистон – Ўзбекистон дўстлик жамияти ижрочи директори Бегижон Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ва шоирнинг оила аъзолари қатнашди.

Тадбир давомида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, атоқли шоир Шавкат Раҳмоннинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хомийлигида “Адабиёт” нашриётида чоп этилган “Танланган асарлар”и тақдироти ҳам бўлиб ўтди.

Шавкат Раҳмон билан Асқар Маҳкам (1993), Раҳмон Қўчқор (1995) “Ватан” газетаси учун тайёрлаган сўхбатлардаги ҳамон долзарб фикрларни газетхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Кўришимдан шоирдан кўра кўпроқ ҳарбийга ўхшасам-да, табиятан анча тортинчоқ кишиман. Уч-тўрт шеър ё мақолани кўлтиклаб газета-журналларга бораверадиган одатим йўқ.

Назаримда, мамлакатда содир бўлган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар руҳиятимизга таъсир қилмасдан қолмади. Руҳияти, истеъдод даражаси, иш қобилияти билан бир-бирига яқинроқ турадиган ижодкорлар аввал гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўполонлардан узоқлаша бошлади. Кейинроқ бу гуруҳлар орасида парчалашиб рўй берди. Айниқса, СССР емирлгандан кейин бутун ижоди қаршилик (противостояние) заминида турган ижодкорлар узлатга кетди. Хуллас, совет идеологиясига астойдил хизмат қилганлар ҳам, астойдил хизмат қилмаганлар ҳам муҳитдан чеккага чиқди. Айримларга панох қалъаси, айримларга истибод кўрғони бўлиб кўринган буюк империя вайроналарида кўнглини айинтар даражадаги манзара пайдо бўлди... Бир неча йил ёзувчиларга мутлақо алоқаси бўлмаган ташкилотларда хизмат қилдим, шеърларимда баён қилинган қарашларимни амалга синдиришга уриндим. Қолаверса, шоирлик касб эмас, шеър ҳам ботмон-ботмон ёзилавермайди, ёзилиш сабаби бор, вақти-соати бор. Шеър буюк севинчдан ёки буюк фожиадан дунёга келади, танҳоликда яралади, танҳоликда ўқилади. Башар фожиясини, миллат фожиясини ўз фожияси билиб ўртанган шоир ҳақиқий шеър бахтига



Шавкат Раҳмон:

ЖАМИЯТНИ ЭЪТИҚОДЛИЛАР ТУЗАДИ, ЭЪТИҚОДСИЗЛАР БУЗАДИ

муяссар бўлади. Шеър ёзиш эса ўлим билан юзма-юз туриб гаплашган билан барбардир. Турли-туман расмий давраларда ёши бир жойга бориб қолган неварачекарли кишиларнинг муҳаббат тўғрисидаги шеърларидан безганмиз. Тугмачадек оғизларини ўйнатиб, “Севгилим, мен сени ташлаб кетаман” деб ҳайқирган безбетгина “луччак” ойимқизларнинг фироғидан куйганмиз. Ё тавба! Ҳазрат Навоий ҳам невараси тенг қизалоқларни бир жойга йиғиб, “Муҳаббат боғида судралиб юрдим” деб шеър ўқиганикин? Ҳамма ёмон кўрган феодализм даврида, аёллар, аёл шоирларимиз “севгилим” сўзини ишлатганикин? Бизларнинг шеър тўғрисидаги, шоир тўғрисидаги тасаввуримиз бузилмаганими, шеърини санъат йўқолмаганими, азалдан заҳар ва асал омуктаси бўлган тилимиз кўча тилига, бозор тилига айланиб қолмаганими?

Бу гапларни айтаётганим боисини англадингиз. Ишқ бошқа, ҳавас бошқа. Дард бошқа, оғриқ бошқа. Ишқсизларга ишқингиздан гапирманг, дардсизларга дардингиздан гапирманг. Фойдаси йўқ. Бундан ўн йиллар аввал миллатимиз фожиаларини шеърларимизда сирқиратиб бериш санъатини ўзлаштиратганимизда бизларни талатганлар кўз ўнгимизда “ашадий қизиллардан” “ашадий демократлар”га айланиб, шундай уввос тортиб йиғдиладарки, қизиллар бошига шундай ахлатларни тўқдиларки, раҳимимиз келди. Келинлар, Худонинг шу бандалариям муродо мақсадларига етсин, деб ўзимизни тағинам четроққа тортагимизни билмай қилибмиз.

Аслида, иқтисодий қонунлар устуворлик қилиши керак бўлган ҳозирги даврда жамиятнинг барча соҳалари мафкурадан тазаланши керак. Аммо бир-йўғи икки йил аввал мустақил бўлган Ўзбекистон шароитидан келиб чиқадиган бўлса, агар айни пайтда маънавиятимизда мавжуд фазилатлардан кўра йўқотилган, бузилган фазилатлар кўпроқ эканини назарда тутсақ, мафкура керак, мағзида миллий-ижтимоий ғоялар устун турадиган мафкура керак. Фақат миллий ижтимоий ғояларини фаолиятимизнинг асосий дастури сифатида қабул қилишга ўзимиз тайёрмизми? Ҳамма гап мана шунда. Миллатнинг англаш тарзи, миллатнинг ҳис қилиш тарзи, миллатнинг ифода йўсинлари, миллат тили... Бир Халқаро ташкилотда ишлаб турганимизда мусулмон аёллардай оқ рўмол ўраб олган бир ўқимшили опа тез-тез келиб: “Аризамнинг судъбаси нима бўлди?” деб сўрагучи эди. Эсласам, ҳозиргача қулишимни ҳам, куйишимни ҳам билмайман.

Энг аввало, ўтмишдаги ўтмиш фожиалари кўламини аниқлайлик, қолаверса, миллатимизга қиладиган хизматларимиз жамланадиган фаолият дастурида акс этадиган хизматимиз кўламини аниқлайлик. Кейин ушбу буюк вазифани эътиқодли, ватанпарвар биродарларимизга қўшқўлаб топширайлик. Зеро ҳар қандай жамиятни эътиқодлилар тузади, эътиқодсизлар бузади. Ҳар қандай сиёсатни юксалтирадиган ҳам, ер билан яқсон қиладиган

ҳам одам эканини унутмайлик. Эътиқодли, имонли кишиларимизни асраб-авайлашни ўрганайлик.

Ўзбекистон мустақиллиги осонликча қўлга киритилмади...

Шубҳасиз, Ўзбекистон кучли давлат бўлади. Эндиликда мустақиллиқни мустақамлашга ҳалақит бераётган жамияти иллатлардан тезроқ халос бўлишни жадаллаштиришимиз, давлат ва фуқаролар орасидаги муносабатларни эътиборли даражага кўтаришни янада чуқурлаштириш йўлидан бормоғимиз керак. Эътиқот бўлайлик, иноқ бўлайлик, ҳали осойишталик билан ривожланаётган республикамизнинг бошини бирор жанжалга тикиб қўйиб, ҳақон афкор оммасига: “Мана, кўрдингларми, бу ўзбекларни фақат биз тинчитиб турган эдик, мустақиллик буларга ярашмайди, булар бир-бирининг гўштини ёйди”, деб бизларни тағин ўзларининг буюк давлатлари қаваитига қўшиб олиш умидида пайт пойлаб турганлар борлигини унутиб қўймайлик...

Мақтанса арзигулик йирик асар ёзганимиз йўқ. Биздан аввалги авлод, масалан Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфирлар ижоди анча баракали. Бунинг асосий сабаби шундаки, тенгдошларимиз маълум тарихий даврда қарама-қаршилик билан овора бўлиб қолдилар. Бундан ташқари, энди астойдил меҳнат қиламиз деган пайтда бутун дунё бир бозор бўлди. Мундоқ қарасақ, ўғил-қизларимиз балоғатга етиб қолибди. Ижодга вақт қаёқда дейсиз. Қувватингиз борлигида фарзандларимга кичкина бир иморат қуриб берайин, деб шаҳар ҳокимиятига бир парча ер сотиб олиш мақсадида борсангиз, масалан, Шавкат Раҳмонни, ким ошди савдосига йўллашади. Ким ошди савдосида кимдан ошаман, деб ўйлайсиз. Шоир бўлиш яхшидир-у, аммо шоир сифатида тирикчилик қилиш ниҳоятда қийин. Начора, миллий тиклишни даврда ҳар қандай қийинчиликни саодат меваси сифатида қабул қилиб, сўнги бор жўмардлик, валламатилик қилсақ қилибмиз-да.

Шеърятимиз теран, оқимлари кучли шеърятдир. Бу шеърятнинг кенжа авлоди орасида аллақачон шеър бахтига муяссар бўлган шоирлар бор. Уларнинг ижодида хос бўлган фазилатлардан баҳраманд бўлиш учун икки-учта шеърларини ўқиш kifofa. Масалан, Сирожиддин Саййид – нозик санъат шоири, Асқар Маҳкам – қаттиқ йимон шоири, Абдували Кутбиддин – дилбар ҳаёл шоири, Зебо Мирзо – мунис дард шоири, Иқбол Мирзо – асов тўғён шоирдир. Мен яқин ўн йиллардан буён бу шоирларнинг ижодларида қалбақилик, феъл-хўйларидан сотқинлик аломатларини сезмадим. Истардимки, бу беғарас авлод ўзлари сифинган ғояларини, байроқларини нопоқларга бериб қўямасин! Акс ҳолда, ҳар қандай баланд ғоя, ҳар қандай муқаддас байроқ қирланиб, инсонларни яхши амаллар йўлида бирлаштиришдай буюк қувватдан маҳрум бўлади. Бундан эса Худо асрасин!

ФИДОЙЛАР

ТАҚДИРИ ИЛМГА БОҒЛАНГАН

Инсон тақдирида шундай бурилиш нуқталари бўладики, улар ҳар биримизнинг эртаминзи белгилаб бериши мумкинлигини кейин англаб етамиз. Ваъзан академик Рисбой Жўраев ҳаёти, тақдири ҳақида ўйласам, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг куйидаги сатрлари эсга тушади:

Тўхум ерга кириб чечак бўлди,
Курт жондин кечиб, илак бўлди.
Лола тухумича ғайратинг йўқими?!
Пилла кўртича химматинг йўқими?!

Ҳазрат эй инсон, наҳотки сенинг лола тухумича ғайратинг бўлмаса, илак кўртича химматинг бўлмаса? Ғайрат қил, саховатпеша бўл, деб инсониятга ҳайқирмоқда. Рисбой Жўраев ҳам бутун умри давомида ғайрат билан меҳнат қилди, ҳаётнинг ҳеч бир қийинчиликларига таслим бўлмади, ўз олдига қўйган олижаноб мақсадлари йўлида тиним билмай ҳаракатда бўлди. Ватан ривож, инсонларга яхшилик қилишдек муқаддас мақсад йўлида чарчамади. Ўз манфаатларини халқ манфаатидан устун қўймади. Илкони етуғича ҳаммага ёрдам қилини чўзди. Саховатпешалиқни инсонийликнинг олий неъматидеб деб билди.

Домланинг умр дафтаридеда битилган ўчмас ёзувларни ўқиймиз: 1963 йили Тошкент давлат политехника институти (ҳозирги Техника университети)га ўқишга кириб, муҳандис бўлмоқчи эди. 1968 йили гидроэнергетика мутахассислиги бўйича олий ўқув юртини илтиёзли диплом билан тамомлади. Биласиз, гидроэнергетика ўша давр учун (ҳозир ҳам керак бўлса) ноёб соҳалардан саналган. Маҳаллий кадрлардан чиққан мутахассислар жуда кам эди. Рисбойнинг ҳаракатчанлиги, ўз ишига жиддий қарashi, мақсади йўлида қийинчиликлардан кўркмаслиги институти раҳбарияти диққатини тортиди ва унга кафедрда қолиб ишлаш таклиф қилинди. Дастлаб ишлаб чиқаришга кетишни истаган ёш йигит устозлар маслаҳати билан илмий-педагогик фаолиятни танлади.

Қисқа вақт ичиде у нафақат яхши ўқитувчи, балки фаол ташкилотчи сифатида ҳам

танилди. Бир гал институтининг ёшлар сардори сифатида конференцияда сўзга чиққанда республика раҳбарларидеда бири Назар Мусахонов эътиборига тушади ва захира кадрлар рўйхатиға киритилади...

Ёш оиланинг хузурли онлари билан бирига ўзига яраша ташвишли кунларининг ҳам бўлиши табиий, албатта. Бу ҳақда Рисбой Жўраев ўз хотираларида шундай эслайди: “1969 йилнинг май ойлари эди. Турмуш ўртоғимнинг касалхонаға тушганидан хабар толиб, зудлик билан ТошМИға бордим. Аёлим оғир аҳволда ётган эди, акаси, академик Нариман Қодирович шу ерда экан. Шу кунни қиз фарзандли бўлдим ва аёлимға қандай ёрдам кўрсатсам деб турганимда бирдан телефон жиринглаб (у пайтда уяли телефонлар йўқ, фақат худумат аъзолари, вазирларнинг давлат томонидан бириктирилган хизмат машиналарида телефон бўлар эди), эрталаб марказқўмда Оқил Салимов мени Шароф Рашидов қабулиға олиб киришини айтишди. Шароф ака мен билан узоқ сўхбатлашди ва ота-онам, ака-укаларим, сингилларим, улар нима касбдалигини сўради. Отам колхозчи, онам боғчада ишлаши, саккиз ака-ука ва сингилларим борлиги, уларнинг ҳаммасини келажақда ўқиши ва касб эгаллаш кераклигини айтдим. “Ҳаммасини ўқитишингиз керак, – деди ва – Сизға шу топшириқ, хўл дейсиз”, деб таъкидлаб қўйди. Ниҳоят “Сизни Марказқўмға ишға олмоқчимиз, асосий вазифангиз – ёшлар билан шуғулланиш”, деб менға бир нигоҳ ташлади.

Шундай қилиб, катта идорада иш бошладим. 1973 йил бошида Шароф Рашидов яна қақириб: “Сиз инженерсиз, Ўзбекистонға ишчи кадрлар етишмайди. Ёшларни инженерлик касбига жалб қиласиз, касбий таълимни ривожлантирасиз, қанча муҳандис кўп бўлса,



Ватан учун шунча яхши”, деб, мени ҳукумат ҳузуридеда Касб-хўнар таълими кўмитасига ишға ўтишимға буйруқ берди”...

Уша пайтлар Самарқанд вилояти биринчи котиби Бектош Раҳимов вилоятда 17 та хўнар-техника билим юртини ташкил қилганди. Шароф Рашидов Самарқанд тажрибасини бутун республикаға оммалаштириш ва бундай ўқув юртлари сонини 170–180 таға етказиш шартлигини ўқтиради. Рисбой Жўраев бу оғир вазифани бажариш учун, аввало, биноларни мослаштириш, асбоб-ускуна ва мебеллар олиб келиш керак эди. Тезда хўнар-техника билим юртлари сифатли ташкил этилиб, иттифоқдош республикалар орасида касб таълими бўйича Ўзбекистон биринчи ўринға чиқди.

Кейинроқ соҳа эгаларининг хорижда ишлашға йўл очилди. Муаммо чет тилларни ўрганиш эди. Шунда Рисбой Жўраев ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) билан шартнома асосида мутахассисларни 1980 йилдан чет тилиға ўқитиш кераклиги

тўғрисида марказқўмға хат киритиб, Ирригация ва мелiorация институти қошида “Инженер педагог” мутахассислиги бўйича факультет ташкил этилди. Бухоро ва Наманганда ҳам ана шундай факультетлар очилди. Рисбой аканинг шижоати, республика раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши натижасида уч вилоятда шундай факультетлар иш бошлади. Бунга қўшимча инженер педагоглар малакасини ошириш институтининг Свердловск филиали ҳам ташкил этилди. Кейинчалик бу филиал алоҳида институт бўлиб фаолият олиб борди. Қаҳрамонимиз ташаббуси билан чет тилларни ўқитиш, “инженер-педагог” мутахассислигини жорий этиш каби янгиликлар амалға оширилди. Бу эса маҳаллий кадрларни халқаро майдонға чиқишға замин яратди.

Илмға чанқоқ Рисбой Жўраев раҳбарлик ва ташкилий ишлардан ташқари ўз устида тинимсиз ишлаб, техника фанлари номзоди, кейинчалик Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)да инженер педагог мутахассислиги

бўйича докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилди...

Устознинг хотиралари орқали бир давр тарихи, айниқса, ёшлар сиёсати ва касб таълими тизимининг шаклланиш жараёни ёрқин акс этади. Фидойилик, меҳнат ва берилган тўғри йўналиш, билдирилган ишонч инсонни юксак марраларға олиб чиқиши яна бир бор исботланди. Уша даврда қўйилган пойдевор бугун ҳам самарасини бермоқда, ёш авлоднинг билими ва хўнари бўлиб камол топишға хизмат қилмоқда. 1998 йил 24 февралда Биринчи Президент қарори билан Ўрта-максус касб хўнар таълими маркази ташкил қилиниб, Рисбой Жўраев марказ раҳбари, Олий таълим вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди. 2000 йил августдан эса халқ таълими вазирли сифатида иш бошлади...

Устознинг муаллифлигида 25 та монография ва 900 дан ортиқ илмий мақолалар нашр қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ мақолалари нуфузли хорижий нашрларда чоп этилган. Кўпгина ўқув фанларининг замонавий электрон ресурсларини ишлаб чиқиш асосида 16 та дастурий махсулотлар бўйича патент муаллифи саналди. 50 дан ортиқ докторлар (шогирдлар) етиштирган.

Академик Рисбой Жўраев кўп йиллик самарали меҳнатлари эътирофи сифатида Касбий таълимни ривожлантириш ва рағбатлантириш фондининг А.Г.Неболсин Халқаро мукофоти (1999), “Дўстлик” ордени (2003) билан тақдирланган. 2017 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги этиб сайланди. Қувонарли шундаки, бугунги кунда Рисбой Жўраев мамлакатимиз педагогика соҳаси устозларидан бири сифатида доимий эътироф этилади.

Иброҳимжон ЙЎЛДОШЕВ,
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети профессори,
филология фанлари доктори

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожиiddин САЙИИД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шўҳрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 445
Адади: 5953
Баҳоиси келишилган нархда.
Топширилди – 20:50

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларға қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларға манаб сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ